



Албатта, дам солиш (афсун ўқиш), тумор тақиши ва иссиқ-совуқ қилиш ширкдир» - дедилар

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, дам солиш (афсун ўқиш), тумор тақиши ва иссиқ-совуқ қилиш ширкдир» - дедилар.

[Түғри матн] [Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ширк ҳисобланадиган баъзи амалларни баён қилдилар. Улардан: Биринчиси: Афсун ўқиш - Шифо талабида жоҳилият аҳли ўқийдиган ва ширкий нарсаларни ўз ичига олган сўзлар. Иккинчиси: Мунҷоқ ва шу каби туморлар - болалар, ҳайвонлар ва бошқа нарсаларга кўз тегмаслиги учун илиб қўйиладиган тақинчоқлар. Учинчиси: Иссиқ совуқ қилиш - Эру хотинни бир-бирига яхши кўрсатиш учун ясаладиган нарса. Йўқорида зикр қилингандарнинг барчаси ширкдир. Чунки булар шариятимиз томонидан кўрсатилган ёки тажриба орқали ўрганилган ҳиссий сабаблар эмас. Энди шаръий ва ҳиссий сабаблар нима десак? Шаръий сабаблар - Қуръон ўқиш каби амаллардир. Ҳиссий сабаблар - Дори-дармонга ўхшаш тажриба билан событ бўлган нарсалардир. Бу нарсаларни фақатгина сабаб, аслида наф ва заар бериш Аллоҳнинг қўлида деган эътиқодда қилишлик жоиздир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5273>